

# Қирғизистонда жума намозини ўқишга рухсат берилди



12:20 / 15.06.2021 1420

11 июндан бошлаб Бишкекдаги коронавирус билан боғлиқ вазият ёмонлашгани сабабли ёпилган масжидларда жума намози қайта тикланди. Бу ҳақда [mynamaz.ru](http://mynamaz.ru) манбаси хабар беради. Ушбу қарор Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан қабул қилинди.

Республика муфтийси матбуот хизматида таъкидланганидек, намоз санитария-эпидемиология талабларига риоя қилинган ҳолда ўқилиши керак. Хусусан, ниқоб тақиш, зиёратчиларни ҳароратини ўлчаш, ижтимоий масофани сақлаш ва қўл беришни тақиқлаш.

Болалар ва касалларга масжидларга боришдан сақланиш тавсия этилади. Шунингдек ташриф буюрувчиларнинг давомийлиги 20 дақиқа билан

чекланган.

Сўнгги маълумотларга кўра, Қирғизистонда 108 714 коронавирус инфекцияси аниқланган, 1859 киши вафот этган. Мамлакат ҳали ҳам фавқулодда вазият ҳолатида.

***Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси***